

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Т.08.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

ҲАҚНАЗАРОВА ОЙДИН ДИЛМУРОДОВНА

БОСИЛУВЧИ МАТЕРИАЛЛАРНИНГ ХОССАЛАРИНИ ҲИСОБГА
ОЛГАН ҲОЛДА ФЛЕКСОГРАФИК БОСМА СИФАТИНИ
ПРОГНОЗЛАШ

05.02.03 – Технологик машиналар. Роботлар, мехатроника ва
робототехника тизимлари

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по техническим наукам
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences**

Ҳақназарова Ойдин Дилмуродовна

Босилувчи материалларнинг хоссаларини ҳисобга олган ҳолда
флексографик босма сифатини прогнозлаш 3

Ҳақназарова Ойдин Дилмуродовна

Прогнозирование качества флексографской печати с учетом свойств
запечатываемых материалов 25

Нақназарова Ойдин Дилмуродовна

Prediction of flexo print quality taking into account the properties of the sealed
materials 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 50

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Т.08.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

ҲАҚНАЗАРОВА ОЙДИН ДИЛМУРОДОВНА

БОСИЛУВЧИ МАТЕРИАЛЛАРНИНГ ХОССАЛАРИНИ ҲИСОБГА
ОЛГАН ҲОЛДА ФЛЕКСОГРАФИК БОСМА СИФАТИНИ
ПРОГНОЗЛАШ

05.02.03 – Технологик машиналар. Роботлар, мехатроника ва
робототехника тизимлари

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.4.PhD/1141 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳузуридаги Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.ttyesi.uz) ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Бабаханова Халима Абишевна
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Ихтиярова Гулнора Акмаловна
кимё фанлари доктори, профессор

Громько Ирина Григорьевна
техника фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Наманган муҳандислик-технология институти

Диссертация ҳимояси Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.T.08.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «07» март соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100100, Тошкент ш., Шохжаҳон кўчаси, 5. Тел.:(+99871) 253-06-06; (+99871) 253-08-08, факс: (+99871) 253-36-17; e-mail: titlp_info@edu.uz, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти маъмурий биноси 222-хона).

Диссертация билан Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (129 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил:100100, Тошкент ш., Яккасарой тумани, Шохжаҳон кўчаси, 5-уй. Тел.: (+99871) 253-06-06 (+99871) 253-08-08.

Диссертация автореферати 2022 йил «21» февраль кuni тарқатилди.
(2022 йил «21» февральдаги 129 рақамли реестр баённомаси).



И.К.Сабиров
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси, т.ф.д.

А.З.Маматов
Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш илмий котиби, т.ф.д., профессор

Н.Р.Ханхаджаева
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда матбаа соҳасида этикетка-қадоқлаш маҳсулотлари учун шиммайдиган юзали полимер материалларни қўллаш етакчи ўринлардан бирини эгалламоқда. Дунё миқёсида полиэтилен истеъмоли 40%, полипропилен ва ўрам қоғози 12% дан, гофрланган картон 8%, ўзи елимланувчи этикеткалар учун материаллар 5% ни ташкил қилишини ҳисобга олсак, матбаа соҳасини ривожлантиришга қаратилган дастурларини амалиётга жорий этиш полиэтилен плёнка ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, сифатли этикетка-қадоқлаш маҳсулотларини шиммайдиган юзали полимер материалларда чоп этиш технологиясини такомиллаштиришни тақозо этади. Шу жиҳатдан этикетка-қадоқлаш материаллари учун минимал масса, қалинлик, нарх, юқори босма сифатини ва қадоқланган маҳсулотларни узоқ муддат давомида сақланишини таъминловчи хусусиятидаги полимер плёнкаларни ишлаб чиқиш ва матбаа соҳасида қўллаш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳонда мавжуд технологиялар бўйича полимерлардан полиэтилен плёнкаларни ишлаб чиқаришга ва уларнинг бозор талабларига мувофиқ ассортиментини кўпайтиришга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада флексографик босма сифатини таъминлаш ва прогнозлаш учун экструзия технологик параметрларининг пленканинг хоссаларига ва шиммайдиган кучли чўзилувчан материалларда босма сифатига таъсирини аниқлашга, маҳсулот таннархини пасайтиришга ва ички ҳамда ташқи бозорларнинг эҳтиёжларини тўлиқ қондиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда матбаа соҳасини модернизациялаш, маҳаллий хомашёдан полимер материаллар ишлаб чиқариш, сифатли, рақобатбардош ва экспортга йўналтирилган тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш юзасидан кенг камровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида, жумладан, “Миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлаш ва ялпи ички маҳсулотда саноат улушини оширишга қаратилган саноат сиёсатини давом эттириб, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини 1,4 бараварга ошириш...”¹ каби муҳим вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда, жумладан, маҳаллий хомашёдан олинган полимер материалларни хоссалари ҳисобга олиш орқали босма сифатини ошириш ва прогнозлаш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон «Ноширлик ва матбаа соҳасини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги ва 2017 йил 11 майдаги ПҚ-2965-сон «Shurtan» ГКМнинг ишлаб чиқариш қувватларини ривожлантириш инвестицион лойиҳасини амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» ги Фармони

ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларини ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Полимер материалларни ишлаб чиқариш ва уларни матбаа соҳасида қўллаш, экструзия технологик параметрларининг плёнка хоссаларига таъсирини тадқиқ этиш бўйича хорижда Yan Lipyak (Польша), A.A.Berlin, S.I.Volfson (Германия), A.Yu. Bilibin, A.A. Аскадский, М.А.Багиров, А.Г.Снежко (Россия) каби олимлар шуғулланишган. Полимер плёнканинг тузилиши ва хоссалари бўйича В.Е.Гуль, А.А.Мандрусов, М.Г.Колесниченко, В.А.Баканов, А.А.Козлов, О.А.Банникова, О.Ю. Чаплыгина, Н.С.Шмакова ва бошқаларнинг илмий ишларида изланишлар олиб борилган. Флексографик босма сифатини прогнозлаш ва сифатини ошириш бўйича тадқиқотлар А.С.Борисова, Я.В.Дмитриев, О.С.Янковская, К.С.Марикуца, И.Н.Ермакова, А.П. Жуковец, П.А. Попрядухин, Б.А. Сорокин, С.А. Гуляев, В.В. Лихачев, А.Н. Раскин, В.П. Тихонов ва бошқалар томонидан ўтказилган.

Республикамизда полимер материалларни ишлаб чиқариш ва матбаа соҳасига татбиқ қилиш бўйича тадқиқотлар Х.А.Алимова, А.Э.Гуламов, М.Т.Примкулов, О.Р.Рахимов, А.К.Буланов, Х.А.Бабаханова, У.Ж.Ешбаева, И.А.Буланов, А.А.Джалилов, З.К.Галимовалар ва б.қ. томонидан ўрганилган.

Мазкур тадқиқотлар натижасида полимер материаллар қўшилган ўраш-қадоклаш материалларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш бўйича муайян даражада ижобий натижаларга эришилган ҳолда қўлланилиб келинаётган бўлсада, экструзия технологик параметрларини плёнка хоссаларига ва босма сифатига таъсири масалаларига бағишланган тадқиқотлар етарлича ўтказилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №А-13-308 «Босма маҳсулотлари учун стандартлаштириш ва сертификатлаш тизимини такомиллаштириш» мавзусидаги амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади маҳаллий хомашёдан олинган полиэтилен плёнканинг хоссаларини ҳисобга олган ҳолда флексографик босма сифатини прогнозлаш усулини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

флексографик босма учун босилувчи полимер материаллар, уларнинг босма сифатига таъсири ҳақидаги илмий-техник ахборотни таҳлил қилиш;

маҳаллий хомашёдан фойдаланиб экструзия усули билан полиэтилен плёнкалар олиш ва уларнинг физик-механик, деформацион ва оптик хоссаларини тадқиқ қилиш;

флексографик босмада полиэтилен плёнкаларнинг органик эритувчилар асосидаги бўёқлар билан ўзаро таъсирлашув жараёнини тадқиқ қилиш;

ультрабинафша босма бўёқдан фойдаланишда флексографик босманинг нисбий контрастини аниқлаш;

оптик микроскопия усули билан микроштрихли элементларнинг ҳосил қилиниши аниқлигини комплекс баҳолаш;

маҳаллий хомашёдан ишлаб чиқарилган полиэтилен плёнкада флексографик босма сифатини прогнозлаш усули ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида маҳаллий хомашёдан олинган полиэтилен плёнка, органик эритувчи асосидаги ва ультрабинафша босма бўёқлардан фойдаланиб флексографик босма усулида босилган кўп бўёқли нусхалар олинган.

Тадқиқотнинг предмети маҳаллий хомашёдан олинган полиэтилен плёнкани ишлаб чиқариш технологияси, технологик кўрсаткичлари, босма-техник хоссаларининг тадқиқи ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда замонавий ИҚ-спектрал, Фурье-спектрал, спектрофотометрия, денситометрия, оптик микроскопия, физик-механик ва математик статистиканинг тажрибаларини режалаштириш ва таҳлил қилиш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

матбаа соҳасида қўллаш учун “Masterbach” оқ бўёвчи моддасини турлича нисбатларида қўшиш ҳисобига маҳаллий хомашёдан полиэтилен плёнкаларни ишлаб чиқаришнинг ресурстежамкор технологияси такомиллаштирилган;

чўзилишнинг физик моделига асосан статик чўзиш тажриба синовлари бўйича полиэтилен плёнкаларда «кучланиш – деформация» диаграммасида деформацияларнинг релаксацион тавсифини ҳисобга олувчи тортиш кучларининг ривожланиш механизми назарий аниқланган;

икки хил усулда тайёрланган қолип ва УБ ҳамда органик эритувчилар асосидаги босма бўёқларда олинган нусхаларни таҳлил қилиш асосида маҳаллий хомашёдан олинган полиэтилен плёнка хоссаларининг флексографик босма сифатига боғлиқлиги аниқланган;

нусха оптик зичлиги ва полиэтилен плёнканинг қалинлик, ялтироқлик ҳамда термабарқарорлик кўрсаткичлари қийматлари орасидаги математик боғланишни аниқлаш асосида флексографик босма сифатини прогнозлаш ва баҳолашнинг технологик ечимлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

назарий ва тажрибавий тадқиқотлар асосида матбаа соҳаси учун маҳаллий хомашёдан полиэтилен плёнка олишнинг такомиллашган технологияси ишлаб чиқилган;

импорт ўрнини босувчи полимер материаллар ассортиментини кенгайтириш мақсадида маҳаллий хомашёдан олинган полиэтилен плёнканинг хоссаларининг ҳисобга олган ҳолда флексографик босма сифатини прогнозлаш усули ишлаб чиқилган ва қўллашга тадбиқ этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги изланишларнинг замонавий усул ва ўлчаш воситаларидан фойдаланган ҳолда ўтказилганлиги, назарий ва экспериментал тадқиқотларнинг ўзаро адекватлиги, бажарилган тадқиқотлар асосида олинган полимер плёнка синовларининг ижобий натижалари ва амалиётга жорий этилганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти этикетка-қадоқлаш материаллари учун маҳаллий хомашёдан полиэтилен плёнка олиш технологиясининг такомиллаштирилганлиги, экструзия технологик параметрларининг полиэтилен плёнка хоссаларига ва босма сифатига таъсир этиш боғлиқликлари аниқланганлиги, плёнкаларнинг хоссаларини ҳисобга олган ҳолда флексографик босма сифатини прогнозлаш усулининг ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти такомиллашган технология бўйича маҳаллий хомашёдан самарали ва рационал фойдаланган ҳолда олинган полиэтилен плёнканинг этикетка-қадоқлаш маҳсулотларни чоп этишга таклиф қилинганлиги, босилувчи полимер материал билан таъминлаш ҳисобига матбаа саноатининг ривожланишига хизмат қилиши ва республика захираларининг тежалишига олиб келиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Маҳаллий хомашёдан олинган полиэтилен плёнканинг хоссаларини ҳисобга олган ҳолда флексографик босма сифатини прогнозлаш бўйича олинган натижалар асосида:

ишлаб чиқилган технологик регламент «BRIZZ» МЧЖ корхонасида жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг 2021 йил 19 октябрдаги 06-4269-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижасида этикетка-қадоқлаш маҳсулотларини сифат кўрсаткичлари яхшиланган, хомашё сарфини 19-27% гача камайтиришга эришилган, матбаа корхоналарида ички ва экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш имкони яратилган;

маҳаллий хомашёдан олинган полиэтилен плёнка «ASILBEK NURLI KELAJAK» ХКга жорий қилинган. Натижада флексографик босма сифатини баҳолаш учун нусхаларининг градацион ва ранг тавсифномалари аниқланган, хомашё сарфини 19-25% гача камайтиришга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, шу жумладан, 4 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, умумий хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 105 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети баён қилинган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий йўналишларига мослиги келтирилган, тадқиқот натижаларидан амалда фойдаланиш ҳақида маълумотлар, нашр қилинган ишлар ҳамда диссертациянинг структураси бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Босилувчи материалларнинг хоссаларини ҳисобга олган ҳолда флексографик босма сифатини прогнозлаш**» деб номланган биринчи бобида етакчи мутахассислар, хорижий ва маҳаллий олимларнинг плёнка олиш технологиясини ишлаб чиқиш, плёнка ишлаб чиқариш технологик параметрларининг тасвирни ҳосил қилиш сифатига таъсирини тадқиқ қилишга йўналтирилган илмий ишлари натижалари таҳлили келтирилган. Аниқланганки, сифатли босма нусхалари олиш мақсадида хоссаларини ҳисобга олган ҳолда полиэтилен плёнка ишлаб чиқариш имкониятлари етарлича ўрганилмаган.

Шунга боғлиқ ҳолда маҳаллий хомашёдан олинган плёнканинг хоссаларини ҳисобга олган ҳолда флексографик босма сифатини прогнозлаш методикасини ишлаб чиқиш вазифалари аниқлаб олинган.

Диссертациянинг «**Полиэтилен плёнка олиш технологияси ва хоссалари тадқиқи**» деб номланган иккинчи бобида плёнка олиш технологияси, ишлатиладиган хомашё, плёнканинг физик-механик, деформацион ва оптик хоссалари тадқиқи келтирилган.

Этикетка-қадоқлаш маҳсулотларини учун маҳаллий хомашёдан олинган плёнкадан фойдаланиш имкониятлари «BRIZZ» МЧЖ корхонасида ўрганилган. Экструдерда этилен гранулалари тенлар ёрдамида бир турли массагача эритилди, кейин шнек ёрдамида экструдернинг бошчасига йўналтирилди, плёнка пуфагини ҳосил қилган ҳолда ҳаво оқими билан пуфланди, совуди ва рулонларга ўралди (1-расм).

Экструзия параметрларининг полиэтилен плёнканинг физик-механик, босма-техник хоссаларига ва флексографик босма сифатига таъсири боғлиқлигини аниқлаш учун тадқиқотлар ишлаб чиқилган иерархик структура бўйича урта босқичда амалга оширилди (2-расм).



2-расм. Экструзия параметрларининг плёнканинг хоссалари ва босма сифатига таъсири боғлиқлигини баҳолаш учун иерархик структура схемаси

«TOPFIN Result» МЧЖ синов лабораторияси мажмуаси шароитида мавжуд методикалар бўйича (ГОСТ 9.302 п.3, ГОСТ 14236 п.3) плёнканинг қалинлиги, чўзилишдаги мустаҳкамлиги, чўзилишдаги нисбий узайиши ўрганилди, уларнинг натижалари 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Полиэтилен плёнканинг параметрлари

№	Параметрларнинг номи	Меъёрий хужжат	Параметрнинг қиймати		Параметрларнинг мослиги
			Меъёрий хужжат	Амалда	
1	Қалинлик, мм	ГОСТ 9.302	0,060±20%	0,063	1-жадв. 1.3. б. мос
2	Зичлик, кг/м ³	-	919-929	925	Илова
3	Чўзилишдаги мустаҳкамлик кг/м ² , узунасига кўндаланг	ГОСТ 14236-	16,1 (165)	19,2	3-жадв. 2.4. б. мос
4	Узилишдаги нисбий чўзилиш, %, узунасига кўндаланг		14,7 (150)	16,5	
			450	660	
			450	540	

Синов натижалари бўйича аниқландики (1-жадвал), маҳаллий хомашёдан олинган полиэтилен плёнка ГОСТ 10354 стандарт талаблари бўйича М маркага мос келади.

Босилувчи материал сифатида полиэтилен плёнкалар ишлатилганлиги ва босма ускунасида худди қоғоз сингари механик юкламаларга учраши туфайли деформацион хоссалар ҳам тадқиқ қилинди (2-жадвал).

2-жадвал

Полиэтилен плёнканинг мустаҳкамлик ва деформацион хоссалари

Қўйиш йўналиши	Мустаҳкамлик хоссалари			Деформацион хоссалар			Анизотроп-лик коэф К _{ан}
	Узиш кучи, Q кгс	Мустаҳкамлик чегараси, Σ Н/м ² (МПа)	Узилиш узунлиги, L, m	Узунлик-нинг ўзгариш модули, Δl mm	Нисбий деформация λ %	Таранглик (Юнг) модул E Н/м ² (МПа)	
№1 плёнка учун							
Кўндаланг	1	8,09	737.95	>350	>175	>4,62	1.5
Узунасига	1.5	12,14	1106.93	>350	>175	>6,94	
№2 плёнка учун							
Кўндаланг	0,9	8,68	909.50	>350	>175	>4,96	1,25
Узунасига	0,8	7,71	808.45	>350	>175	>4,41	

2-жадвалдан кўришиб турибдики, босиб жараёнида полиэтилен плёнканинг юқори деформацион ва чўзилувчанлик хоссаларига эга эканлиги ҳақида маълумот олиш мумкин. Плёнка намунасининг кўндаланг ва узунасига таранглик модули ҳам яхши натижаларни намоён қилади, чунки плёнка анизотроп материал ҳисобланади ва унинг анизотропия коэффициенти 1,5 га тенг. Шу боис полимер плёнка учун босмани мураккаблаштирмайдиган деформацион юкламанинг минимал даражаси аниқланди. ГОСТ 10354 стандартига мувофиқ плёнкадан кенг диапазонда, шу жумладан, этикетка-қадоклаш маҳсулоти сифатида ҳам фойдаланиш мумкин.


Шунингдек, полиэтилен плёнка учун ахборот йўқотилмаган ҳолда сифатли босма таъминланадиган деформацион юкламаларнинг минимал даражасини назарий жиҳатдан аниқлаш муҳим ҳисобланади.

В.И.Комаров эластик-пластик хусусиятга эга айрим полимер материалларнинг чўзилиш-сиқилиш диаграммаси қуйидаги кўринишга эга эканлигини асослаган:

$$\sigma_{(\varepsilon)} = E_2\varepsilon + v \cdot n \cdot (E_1 - E_2) \cdot \left(1 - e^{-\frac{\varepsilon}{vn}}\right) \quad (1)$$

Бу ерда: E_1, E_2 – плёнка материалнинг эластиклик ва пластиклик модуллари ($\frac{H}{M^2}$); ε – нисбий деформация; $\mu = \nu \cdot n$ – полимер материалларнинг айрим хусусиятларини характерловчи келтирилган параметр (ўлчовсиз катталиқ); e – пластик деформациянинг жорий қиймати.

Юқоридаги (1) қонуният бўйича Excel дастури ёрдамида ўтказилган сонли тажрибалар ва узиш ускунасида бажарилган статик чўзиш тажриба-синовлари натижаларининг қайта ишланган қийматлари 3-расмда келтирилган.



3-расм. Иккита йўналишда №1 плёнка намунаси учун «юклама – нисбий чўзилиш» боғлиқлиги: а – узунасига; б – кўндаланг

Бошланғич тўғри чизикли участка I да (3-расм) 17 Н юкламада (оқувчанлик чегараси R_t), Гук қонунига мувофиқ, деформация қўйилган кучга пропорционал бўлади. Физик ҳолати сезиларсиз қайтар деформацияларга эга бўлади, бу ҳолат валент бурчаклари, атомлараро ва молекулалараро масофаларнинг ўзгариши билан тушунтирилади.

Деярли горизонтал участка II мажбурий-эластик деформация соҳасига мос келади, механик фаоллашиш натижасида макромолекулаларнинг сегментли кўзгалувчанлиги ошади ва материал структурасининг қайтадан қурилиши содир бўлади.

III участка полимернинг қовушқоқ оқувчан ҳолати соҳасига жавоб беради, у учун қайтмас деформациялар ёки оқиш тавсифли ҳисобланади.

Деформацион хоссаларни солиштирма таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, қайтмас деформацияларнинг кучланиш даражаси 22 дан 42 МПа гача, бу эса стандарт меъёрлар чегарасида. Матбаа ва қадоқлаш ускуналарида чўзувчи кучланишнинг қиймати 15 МПа тенг.

Оптик хоссалардан бири – плёнканинг ялтироқлиги, унинг тушаётган ёруғликни кўзгули қайтариш хусусияти 75° бурчак остида ўлчанди ва кўзгули қайтарилган ёруғлик миқдорининг бутун қайтарилган ёруғликка нисбати билан аниқланди. Ялтироқлиги ўртача 25% бўлган плёнкалар босишда рангларнинг тўйинганлигини ва штрихли микрочизикларнинг аниқлигини, шунингдек, ахборотни ўқишда комфортни таъминлайди (3-жадвал).

Полиэтилен плёнканинг ялтироқлик қийматлари


Полиэтилен плёнка	№1	№2
Юза томонининг ялтироқлиги, %	27.18	24.38
Орқа томонининг ялтироқлиги, %	25.96	29.36

80 °C ҳароратда 0 дан 30 дақиқагача бўлган давомийликда плёнкалар чизиқли ўлчамларининг ўзгаришини ўрганиш натижалари плёнкаларнинг термобарқарорлигини тавсифлайди, бу маҳсулотларга шакл беришда ҳароратли ишлов бериш талаб қилинадиган ўрамларни тайёрлашда муҳим ҳисобланади (4-жадвал).

Ҳарорат таъсири остида чизиқли ўлчамларнинг ўзгариши қийматлари

Кўрсаткичлар	№1 плёнканинг йўналиши		№2 плёнканинг йўналиши	
	кўндаланг	бўйлама	кўндаланг	бўйлама
Бошланғич узунлик, L_0 , мм	100,4	100,0	100,0	100,4
5 дақиқа термик ишлов беришдан кейинги узунлик, мм	99,8	98,4	99,6	100,2
Термобарқарорлик, S	-0,6	-1,6	-0,4	-0,2
10 дақиқа термик ишлов беришдан кейинги узунлик, мм	101,0	98,0	99,6	100,2
Термобарқарорлик, S	0,6	-2,0	-0,4	0,2
15 дақиқа термик ишлов беришдан кейинги узунлик, мм	101,0	97,8	99,6	100,2
Термобарқарорлик, S	0,6	-2,2	-0,4	-0,2
30 дақиқа термик ишлов беришдан кейинги узунлик, мм	101,2	96,8	99,2	100,2
Термобарқарорлик, S	0,8	-3,2	0,8	0,2

ИҚ-спектроскопик таҳлил полимернинг физик структураси ва кимёвий тузилишини ўрганишга имкон берди (4-расм).



4-расм. Полиэтилен плёнканинг ИҚ-спектроскопик таҳлили

4-расмдан аниқландики, полимер плёнканинг ИҚ-спектри полиэтилен юқори босимда олинган паст зичликдаги полиэтиленга мос келади.

Диссертациянинг «Маҳаллий хомашёдан олинган полиэтилен плёнканинг бўёвчи моддалар билан ўзаро таъсирлашув жараёнини тадқиқ қилиш» деб номланган учинчи бобида маҳаллий хомашёдан олинган полиэтилен плёнка хоссаларининг босма сифатига таъсирини ўрганиш учун Fischer&Krecker (Германия) компаниясининг ALLSTEIN ва Fischer&Krecker (Германия) компаниясининг FISHER кенг рулонли флексографик босма ускуналарида органик эритувчилар асосидаги триада бўёқлари, шунингдек, Performance P7 Mark Andy (АҚШ) тор рулонли босма ускунасида ультрабинафша босма бўёқлари билан босиш амалга оширилди.



5-расм. Объектив таҳлил учун тест-объект

Босиш учун ишлаб чиқилган тест-объект (5-расм) бир нечта қисмдан иборат: штрихли – 2 дан 10 пунктгача бўлган позитив ва негатив қирқма шрифт; 0,005 дан 1,0 мм гача бўлган микрочизиқлар; асосий ранглар учун позитив бўлган ҳалқали мира; 3 дан 100% гача бўлган поғонали градацион ранг ўтиши; қийин ҳосил қилинадиган ранглар ва векторли тасвирларга эга рангли тасвирлар, негатив ва позитив кўринишда тайёрланган турли ўлчамли растрли элементлар.

Босма қолиплари фақат битта операция билан ишлайдиган бевосита Computer-to-Plate лазерли ўйиш технологиясидан фойдаланган ҳолда эластомерда (резинада) тайёрланди. Эластомер (резина) лазерда ўйиш учун ҳеч қандай олдиндан ишлов беришсиз ҳолда цилиндрга ўрнатилади.


Fischer&Kreke (Германия) компаниясининг ALLSTEIN ва Fischer&Kreke (Германия) компаниясининг FISHER кенг рулонли флексографик босма ускуналарида органик эритувчилар асосидаги триада бўёқлари билан босиш 200 м/дақиқа тезликда амалга оширилди, анилокс вали растрининг бурилиш бурчаги 60° ва линиатураси 340 лин/см, эритувчилар асосидаги (спиртли) Flexographic Printing Inks босма бўёқларидан фойдаланилди.

Турли ковушқоқликдаги босма бўёғи билан шиммайдиган юзанинг ўзаро таъсирлашув таҳлили Techkon спектрофотометри билан ўлчанган тест нусхаларининг поғонали градацион ранг ўтишлари оптик зичликлари бўйича баҳоланди ва босма жараёнининг сифатини тавсифловчи градацион эгри чизиқлар курилди (6-расм).


6-расм. Асл нусхадаги растрли элементлар нисбий майдони S_{op} нинг нусханинг оптик зичлиги $D_{пз}$ га боғлиқлик эгри чизиқлари: а – қирмизи ва ҳаворанг бўёқлар учун; б – сариқ ва қора бўёқлар учун; регрессия тенгламаси ва детерминация коэффицентлари билан

Асл нусхадаги растрли элементлар нисбий майдони S_{op} полиэтилен плёнкадаги оптик зичлик $D_{пз}$ га боғлиқлик эгри чизиқлар таҳлили шуни кўрсатдики, спектрнинг ўртача зонасида асосан қирмизи ва сариқ бўёқлар учун рангли нусхаларнинг нисбатан кичик колориметрик тўйинганлиги тавсифли бўлиб, бу босилувчи материалнинг юзасида бўёқ қатлами қалинлигининг камроқлиги билан тушунтирилади, натижада тасвирда ранг узатилиши ва контрастлик таъминланмаган.

Флексографик босма сифатини объектив таҳлил қилиш учун диаграммалар шакллантирилди (7-8-расмлар), улар бўйича, ҳаворангдан ташқари, барча асосий бўёқлар учун оптик зичликларнинг максимал қийматлари Fischer&Kreke (Германия) компаниясининг FISHER кенг рулонли флексографик ускунасида ва таққослаш учун олинган ПЭ, ПТ, ТЭТФ ва ПА каби шиммайдиган юзали материалларда олинган маълумотларга нисбатан Fischer&Kreke (Германия) компаниясининг Allstein босма ускунасида босилган нусхаларга мос.



7-расм. Fischer&Krecke (Германия) компаниясининг Allstein ва Fischer ускуналарида босилган нусхаларда ҳаворанг ва қирмизи бўёқлар оптик зичлигининг ўзгариши диаграммаси



8-расм. Fischer&Krecke (Германия) компаниясининг Allstein ва Fischer ускуналарида босилган нусхаларда сариқ ва қора бўёқлар оптик зичлигининг ўзгариши диаграммаси

Таҳлиллар натижаси шуни айтиш мумкинки, органик эритувчилар асосидаги бўёқлардан фойдаланишда тадқиқ қилинаётган полиэтилен плёнкани флексографик босма учун тавсия қилиш мақсадга мувофиқ.

Флексографик босмада полиэтилен плёнканинг ультрабинафша босма бўёқлар асосидаги бўёвчи моддалар билан ўзаро таъсирлашувини тадқиқ қилиш учун «Technорак» корхонаси шароитида қолип материали сифатида фотополимер пластинадан фойдаланган ҳолда бевосита лазерли ўйиш йўли билан босма қолиплари тайёрланди.

Тест-объектнинг тасвири босма қолипдаги босилувчи элементлари плёнкадаги ўқиладиган тасвирга нисбатан кўзгули қарама-қарши шаклда тасвирланган, чунки босишнинг контакт усулида бўёқ қолипдан бевосита босилувчи материалга ўтказилади.

2 дан 10 пунктгача бўлган позитив ва негатив қирқма шрифтлар ва 0,005 дан 1,0 мм гача бўлган микрочизиқларни солиштирма баҳолаш визуал ва лупа ёрдамида амалга оширилди, натижалар 5-жадвалда келтирилган.

5-жадвал

Тест нусхаларини визуал баҳолаш мезонлари

Баҳолаш мезонлари	ALLSTEIN да босишда	Fischer да босишда	Mark Andy да босишда
Матнинг ўқилувчанлиги, п	2,5	2,5	2
Выворотка матнинг ўқилувчанлиги, п	3	2	2
Минимал чизиқ, мм	0,05	0,05	0,05
Вывороткали чизиқ, мм	0,1	0,1	0,05
Думалоқ мирани ҳосил қилиш текислиги (асосий ранглар учун), %	80-90	80-90	85-95

Босманинг нисбий контрастини аниқлашда 75-80%ли растрли майдоннинг нисбий майдони ўлчанди, чунки мазкур майдон “кулранг”нинг чегарасида жойлашган бўлиб, у ерда кўп сонли ярим туслар жойлашган.

Натижалар бўйича нафақат тасвирнинг тўқ жойларини ҳосил қилиш сифати, балки босма секцияларининг иши, босма қолипларининг сифати ва алоҳида бўёқларнинг плёнка билан ўзаро таъсирлашуви ҳам баҳоланди. Ноль қийматга яқин бўлган контраст коэффициентини растрли майдоннинг оралик элементларига бўёқнинг тўлиқ оқиб киришидан ва растр элементларининг катталашувидан далолат беради, бу эса, ўз навбатида Mark Andy тор рулонли босма ускунасида сариқ ва қора бўёқлар билан босишда тасвирнинг тўқ жойларида барча деталларнинг тўлиқ йўқотилишини англатади.

6-жадвал


Босма контрасти кўрсаткичлари

Босма ускуна тури	Босма контрасти коэффициентини			
	Cyan	Magenta	Yellow	Black
ALLSTEIN кенг рулонли босма ускунаси	0,45	0,41	0,51	0,55
Fischer кенг рулонли босма ускунаси	0,54	0,55	0,54	0,32
Mark Andy тор рулонли босма ускунаси	0,33	0,20	0,08	0,09


Шимувчи юзали материалларда контрастлик коэффициентининг (6-жадвал) таъсири қилинадиган қийматларини таққослаган ҳолда айтиш мумкинки, Fischer&Kreke (Германия) компаниясининг Allstein ва Fischer флексографик босма ускуналарида органик эритувчи бўёқлар билан полиэтилен плёнкада босишда босманинг контрасти стандарт бўрланган ялтироқ қоғоздагига яқин бўлди.

Босманинг нисбий контрастининг плашкадаги оптик зичликка боғлиқлигини аниқлаш учун эгри чизиқларда (9-10-расмлар) K_{\max} даражасида

тўғри чизик ўтказилди, у функция графигини иккита нуқтада кесиб ўтди, унинг X ўқи бўйича координаталари плашканинг оптик зичлиги бўйича майдондаги қўйимларни кўрсатди. Бу чегараларда нусханинг бутун майдони бўйича ҳам, нусхадан нусхага ўтганда ҳам ранглар фарқланишининг визуал сезилмаслиги кафолатланади. Минимал оптик зичлик (энг чап нуқта) минимал бўёқ миқдори билан босманинг яхши натижасига эришишга имкон беради, бу ҳолат бўёқнинг тезроқ қуриши ва тежалишини таъминлайди. Қўйимнинг қарама-қарши нуқтаси тўйинган ранглар билан максимал ёрқин босмани беради, бироқ, нусхада қуримаган қалин бўёқ қатлами билан боғлиқ сезиларли муаммолар юзага келади.



9-расм. Allstein ва Fischer ускуналарида органик эритувчи асосида босилган нусхаларнинг нисбий оптик зичлиги



10-расм. Mark Andy ускуналарида органик эритувчилар асосида босилган нусхаларнинг нисбий оптик зичлиги

Натижада график усул билан плашкадаги оптик зичлик бўйича қўйимлар аниқланди: органик эритувчи асосидаги бўёвчилар учун:

- Allstein босма ускунаси учун – 1,25 ва 1,48;

- Fischer босма ускунаси учун – 1,33 ва 1,39;

УБ-босма бўёқлар учун:

- Mark Andy босма ускунаси учун – 1,51 ва 1,6.

Максимал эффект (босманинг нисбий контрасти)га эришиш мақсадида босма бўёғининг турини танлаш талаб қилганда полиэтилен плёнкаларда босишда бу натижалардан фойдаланиш мумкин.

Оч, тўқ ва ўрта туслар учун триада бўёқларини узатишнинг ранг мувозанатини таҳлил қилиш учун кулранг ранг сарик, қирмизи ва ҳаворангнинг


аралашмасидан ҳосил бўлиши керак. Агар назорат рангида бегона оттенка пайдо бўлиб қолса, бу суртилган бўёқ қалинлигининг нотекислигидан ёки ранглاردан бирортаси учун растр нуқталарининг катталашуви билан боғлиқ муаммонинг мавжудлигидан далолат беради.

Мазкур майдон қора бўёқ билан босилган 80% ли майдонга визуал ўхшаш бўлган нейтрал-кулранг ранга эга бўлиши керак. Назорат майдони рангининг кулрангдан фарқланиши бўёқ узатиш мувозанатининг бузилганлигидан ёки растр нуқталарининг катталашуви кўрсаткичларининг меъёридан четга чиқилганлигидан далолат беради.

Триада бўёқларини узатишнинг ранг мувозанати хаворанг, қирмизи ва сариқ бўёқларнинг устма-уст босилиши билан ҳосил қилинадиган назорат шкаласининг майдони бўйича визуал баҳоланди (одатда C75 M62 Y60).

Кулранг бўйича мувозанатни энг тезкор ва аниқ назорат қилиш – визуал назорат натижалари бўйича бўёқларни умумий узатишни созлаш ёки босиш режимини ўзгартириш зарурати аниқланди.


Нусхаларда рангнинг ҳосил қилиниш аниқлигини мажмуавий баҳолаш CIE $L^*a^*b^*$ - 1976 колориметрик тизимида стандарт методика бўйича a^*b^* рангдорлик диаграммасида ифодаланган олтибурчакнинг майдонини таққослаш йўли билан амалга оширилди (11-расм).



11-расм. Нусхаларнинг ранг қамрови

Ранг қамрови кўрсаткичлари босма тизими ҳосил қилиши мумкин бўлган рангларнинг максимал сонини баҳолашга имкон берди, шаклнинг майдони қанча катта бўлса, олинадиган ранглар сони шунча кўп бўлади. Плёнкаларда олтибурчакларнинг майдони бир-бирига яқин (11-расм). №1 плёнкада сариқ-яшил зонада ҳосил қилинган ранглари сони кўпроқ, кўк-қизил зонада эса камроқ.

Микроштрихли элементларни ҳосил қилиш аниқлиги оптик микроскопия усули билан таҳлил қилинди (12-расм).



Fisher ускунасида спирт асосидаги бўёқ билан босилган нусха

Mark Andy ускунасида УБ-бўёқ билан босилган нусха

12-расм. Штрихли элементларни ҳосил қилиш микрофотосуратлари

12-расмдан кўриниб турибдики, органик эритувчилар асосидаги бўёқлардан фойдаланишда тасвир элементлари ўлчамларининг катталашуви ва улар шаклининг ўзгаришини кузатиш мумкин, бу фойдаланилаётган босма бўёғи паст ковшоқликда эканлиги билан тушунтирилади.

Mark Andy босма ускунасида ультрабинафша босма бўёқлар билан босишда «қирқма» шрифтларга тааллуқли бўлган, яъни тадқиқ қилинаётган кертикларга эга бўлмаган Т ҳарфи ҳеч қандай майда деталлар йўқотилмаган ҳолда аниқ контурга эга ҳолда ҳосил қилинди.

Диссертациянинг «**Математик моделлаштириш асосида босилувчи материалларнинг хоссаларини ҳисобга олган ҳолда флексографик босма сифатини прогнозлаш**» деб номланган тўртинчи бобида 3 факторли жараён учун 2-тартибли кўп факторли тажрибадан фойдаланилди, бу ерда флексографик босма сифатига таъсир қилувчи асосий факторлар сифатида қуйидагилар танланган: x_1 – плёнканинг қалинлиги T , x_2 – плёнканинг ялтироқлиги Γ ва x_3 – плёнканинг термобарқарорлиги T_c . Факторларни вариациялаш даражалари ва интерваллари 7-жадвалда келтирилган.

7-жадвал

Асосий факторлар ва вариациялаш даражалари

Факторларнинг номи ва белгиланиши	Вариациялаш даражалари			Вариациялаш интерваллари Δ
	(-) x_{\min}	(+) x_{\max}	(0) x_0	
1-синов ($p = 1$)				
Плёнканинг қалинлиги $T - x_1$, мкм	70	80	75	5
Плёнканинг ялтироқлиги $\Gamma - x_2$, %	24	28	26	2
Термобарқарорлик $T_c - x_3$, %	34	42	38	4
2-синов ($p = 2$)				
Плёнканинг қалинлиги $T - x_1$, мкм	70	80	75	5
Плёнканинг ялтироқлиги $\Gamma - x_2$, %	24	28	26	2
Термобарқарорлик $T_c - x_3$, %	34	38	36	2

Коэффициентларнинг статистик аҳамиятлилигини текширишдан фойдаланилган кодлаштирилган ўзгарувчиларга эга тенглама куйидаги кўринишга эга бўлади:

$$y = 1.62 + 0.135x_1 + 0.043x_3 + 0.060x_1x_3 - 0.048x_2x_3 + 0.030x_1x_2x_3$$

Факторларнинг кодланган қийматларидан x_1, x_2, x_3 натурал қийматларга ўтиб, босма сифатига боғлиқлиги, айнан, келтирилган факторларга боғлиқ ҳолда оптик зичликни $D_{\text{отт}}$ оламиз.

$$D_{\text{отт}} = -23.87 + 0.768T + 0.4845\Gamma + 0.6354T_c - 0.0285T\Gamma - 0.006\Gamma T_c - 0.0195TT_c + 0.00075TT_c$$


Шундай қилиб, оптик зичлик қийматларини тадқиқ қилишда бу тенглама полиэтилен плёнканинг хоссаларини ҳисобга олган ҳолда флексографик босма сифатини прогнозлаш учун қўлланилиши мумкин (8-жадвал).

8-жадвал


Полиэтилен плёнканинг қалинлиги, ялтироқлиги ва термобарқарорлигига боғлиқ ҳолда босма сифатини прогнозлаш

T	Г	Tc	D_{отт}	T	Г	Tc	D_{отт}
70	24	34	0,932	80	24	34	1,262
	26	38	1,485		26	38	1,755
	28	42	1,018		28	42	0,868
Г	T	Tc	D_{отт}	Г	T	Tc	D_{отт}
24	70	34	0,932	28	70	34	1,952
	75	38	1,621		75	38	1,621
	80	42	2,248		80	42	1,348
Tc	T	Г	D_{отт}	Tc	T	Г	D_{отт}
34	70	24	0,932	42	70	24	2,038
	75	26	1,577		75	26	1,663
	80	28	2,162		80	28	1,348

Қалинлик (T), ялтироқлик (Γ), термобарқорорликнинг (Tc) босилувчи материалнинг оптик зичлигига таъсирини баҳолаш учун олинган математик моделга мувофиқ боғлиқлик графиклари қурилди (13-14-расмлар).




а



б

13-расм. Нусха оптик зичлигининг боғлиқлиги: а - плёнканинг қалинлигини вариациялашда; б – плёнканинг ялтироқлигини вариациялашда



14-расм. Плёнканинг тармобарқорорлигини вариациялашда нусха оптик зичлигининг боғлиқлиги

8-жадвал ва 13-14-расмлар натижаларидан фойдаланиб, босма жараёнини бошқариш ва тартибга солиш мумкин, яъни берилган қалинлик, ялтироқлик ва термобарқарорлик қийматларига эга плёнкадан фойдаланишда босишда оптик зичликнинг аниқ қийматига эришиш мумкин. Масалан, 1,485 оптик зичликка эришиш учун қалинлиги 70 мкм, ялтироқлиги 26%, термобарқарорлиги 38% бўлган плёнкадан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Маҳаллий хомашёдан полиэтилен плёнка олиш технологиясининг жорий қилиниши бир тоннадан 11600,0 минг сўмнинг тежалишига олиб келади. Босишда органик эритувчилар асосидаги бўёқларда фойдаланишда йиллик иқтисодий самара 3 марта ошади.

ХУЛОСА

“Босилувчи материалларнинг хоссаларини ҳисобга олган ҳолда флексографик босма сифатини прогнозлаш” мавзусида олиб борилган тадқиқот иши бўйича қўйидаги хулосаларга эришилди:

1. Матбаа соҳасида этикетка-қадоқлаш материали сифатида ишлатилиши учун маҳаллий хомашёдан плёнка олиш технологияси такомиллаштирилди.

2. Полиэтилен плёнкалар физик-механик хоссалар бўйича М, СТ, Т, СК, Н маркаларга тааллуқли (ГОСТ-10354) экани аниқланди ва улар матбаа соҳасида содда қадоқлаш материалларидан тортиб то мураккаб техник ечимларгача ишлатишга тавсия этилди.

3. 80°C ҳароратда 0 дан 30 дақиқача бўлган давомийликда плёнкалар чизиқли ўлчамларининг ўзгариши уларнинг термобарқарорлигини тавсифлади.

4. ИҚ-спектроскопик таҳлил шуни кўрсатдики, полиэтилен плёнкалар физик ва кимёвий тузилиши бўйича паст зичликдаги полиэтиленга тааллуқли ва улар ўраш-қадоқлаш материали сифатида кенг диапазонда фойдаланиш учун яроқли, чунки улар механик мустаҳкамликка, рангларни ҳосил қилиш қобилиятига эга.

5. Деформацион хоссаларни солиштирма таҳлил асосида қайтмас деформацияларнинг кучланиш даражаси 22 дан 42 МПа гача, яъни стандарт меъёрлар чегарасида эканлиги аниқланди (матбаа ва қадоқлаш ускуналарида плёнкалар учун чўзувчи кучланишнинг қиймати 15 МПа).

6. Нусхаларнинг сифатини микроскопик ва денситометрик таҳлил қилиш асосида полиэтилен плёнкаларнинг ультрабинафша босма бўёқлар ва органик эритувчилар асосидаги бўёқлар билан ўзаро таъсирлашуви тўйинган тасвир ҳосил қилишга олиб келди.

7. Полиэтилен плёнкаларда максимал эффектга эришиш (босма контрастига нисбатан) мақсадида босма бўёғини турини танлашда график усул билан оптик зичлик қўйимлари аниқланди: органик эритувчи асосидаги бўёқлар учун – 1,25 ва 1,48 (Allstein босма ускунаси); 1,33 ва 1,39 (Fischer босма ускунаси); УБ-босма бўёқлар учун – 1,51 ва 1,6 (Mark Andy босма ускунаси).

8. Флексографик босма сифатини прогнозлаш учун математик модель олинди ва кескин кўтарилиш усулини қўллаган ҳолда босма жараёни

кечишининг оптимал шароитлари аниқланди, яъни 1,485 оптик зичликка эришиш учун қалинлиги 70 мкм, ялтироқлиги 26%, термобарқарорлиги 38% бўлган плёнкадан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

9. Маҳаллий хомашё асосидаги плёнканинг матбаа соҳасида қўлланилиши 1 тонна учун 11600 минг сўм тежамкорликни таъминлайди. Органик эритувчилар асосидаги бўёқларнинг кенг рулонли флексография босма технологиясида ишлатилиши йиллик иқтисодий самаранинг 3 марта ошишига олиб келди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
DS-с.03/30.12.2019.Т.08.01 ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ИНСТИТУТЕ
ТЕКСТИЛЬНОЙ И ЛЕГКОЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ИНСТИТУТ ТЕКСТИЛЬНОЙ И ЛЕГКОЙ
ПРОМЫШЛЕННОСТИ**

ХАКНАЗАРОВА ОЙДИН ДИЛМУРОДОВНА

**ПРОГНОЗИРОВАНИЕ КАЧЕСТВА ФЛЕКСОГРАФСКОЙ ПЕЧАТИ
С УЧЕТОМ СВОЙСТВ ЗАПЕЧАТЫВАЕМЫХ МАТЕРИАЛОВ**

**05.02.03- Технологические машины. Роботы, мехатроника
и робототехнические системы**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2021.4.PhD/1141

Диссертация выполнена в Ташкентском институте текстильной и легкой промышленности.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.titli.uz) и на Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:

Бабаханова Халима Абишевна
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Ихтиярова Гулнора Акмаловна
доктор химических наук, профессор

Громько Ирина Григорьевна
кандидат технических наук, доцент

Ведущая организация:

Наманганский инженерно-технологический институт

Защита диссертации состоится «07» марта 2022 года в 10⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.T.08.01 при Ташкентском институте текстильной и легкой промышленности по адресу: 100100, г. Ташкент, ул. Шохжаҳон, 5. Административное здание Ташкентского института текстильной и легкой промышленности, 222-я аудитория, тел.: (+99871) 253-06-06, (+99871) 253-08-08, факс: (+99871) 253-36-17; e-mail: titlp_info@edu.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского института текстильной и легкой промышленности (зарегистрирована за № 129). Адрес: 100100, г. Ташкент, ул. Шохжаҳон, 5, тел.: (+99871) 253-06-06, (+99871) 253-08-08.

Автореферат диссертации разослан «21» февраля 2022 года.
(реестр протокола рассылки №129 от «21» февраля 2022 года).



И.К.Сабиров
Председатель Научного совета
по присуждению ученых степеней, д.т.н.

А.З.Маматов
Ученый секретарь Научного совета
по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

Н.Р.Ханхаджаева
Председатель Научного семинара при научном совете
по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире используемые в полиграфической отрасли для этикеточно-упаковочной продукции полимерные невпитывающиеся материалы, занимают лидирующие позиции. Мировое потребление полиэтилена составляет 40%, полипропилена 12%, столько же оберточная бумага, гофрокартон 8% и 5% материалы для самоклеящихся этикеток. Исходя из этого следует, что для практического применения программы развития полиграфической отрасли необходимо увеличить объем производства полиэтиленовых пленок, совершенствовать технологию печати на невпитывающихся поверхностях полимерного материала для получения качественной этикеточно-упаковочной продукции. В связи с этим большое значение имеют производство полимерных материалов с минимальной массой, толщиной, стоимостью, обеспечивающих качество печати и сохранность упакованных в них товаров в течении длительного срока, и их внедрение в полиграфической отрасли.

В мире ведутся научно-исследовательские работы по производству пленки из полимеров по существующей технологии и увеличению ассортимента согласно требованиям рынка. В этой связи особое внимание следует уделить выявлению влияния технологических параметров экструзии на свойства пленки и качество печати на невпитывающихся сильно тянущихся материалах для обеспечения и прогнозирования качества флексографской печати, снижению себестоимости продукции и полному удовлетворению потребностей внутреннего и внешнего рынка.

В республике принимаются обширные меры и достигнуты заметные результаты по модернизации полиграфической отрасли, производству полимерных материалов из местного сырья, увеличению производства качественной, конкурентоспособной и ориентированной на экспорт готовой продукции. Стратегией развития нового Узбекистана на 2022 — 2026 годы определены важные задачи по «Продолжение реализации промышленной политики, направленной на обеспечение стабильности национальной экономики, увеличение доли промышленности в валовом внутреннем продукте и рост объема производства промышленной продукции в 1,4 раза».¹. При выполнении этих задач важно повышение и прогнозирование качества печати с учетом свойств полимерных материалов из местного сырья и высоким качеством.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Постановлениями Президента Республики Узбекистан от 13 сентября 2017 года №ПП-3271 «О дополнительных мерах по дальнейшему развитию издательской и полиграфической сферы», Постановлением Президента Республики Узбекистан от 11 мая 2017 года № ПП-2965 «О дополнительных мерах по реализации инвестиционного проекта

¹ Указ Президента Республики Узбекистан 28 января 2022 года № УП-60 «О стратегии развития нового Узбекистана на 2022 — 2026 годы»

«Расширение производственной мощности Шуртанского газохимического комплекса»», а также другими нормативно-правовыми документами, касающимися данной сферы деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологии в Республике Узбекистан. Настоящее диссертационное исследование выполнено в рамках приоритетного направления развития науки и технологии Республики по направлению: II. «Энергетика, энергия и ресурсосбережение».

Степень изученности проблемы. Научные исследования по производству и использованию полимерного материала в полиграфической отрасли, по влиянию технологических параметров экструзии на свойства пленки проводились в работах зарубежных ученых, как Yan Lipyak (Польша), A.A.Berlin, S.I.Volfson (Германия), A.Yu. Bilibin, A.A. Аскадский, М.А.Багиров, А.Г.Снежко (Россия) и других. Исследовательские работы по изучению строения и свойств полимерной пленки проведены такими учеными, как В.Е.Гуль, А.А.Мандрусов, М.Г.Колесниченко, В.А.Баканов, А.А.Козлов, О.А.Банникова, О.Ю. Чаплыгина, Н.С.Шмакова (Россия). Научные работы А.С.Борисовой, Я.В.Дмитриева, О.С.Янковской, К.С.Марикуча, И.Н.Ермаковой, А.П. Жуковец, П.А. Попрядухина, Б.А. Сорокина, С.А. Гуляева, В.В. Лихачева, А.Н. Раскина, В.П. Тихонова и других посвящены прогнозированию и повышению качества процесса флексографской печати.

